

**Сирдарё вилояти ИИБ жамоатчилик кенгаши раиси Равшанбек
Жалилович Маҳмудов раҳбарлигида ўтказилган йиғилиш
Б А Ё Н И № 64**

2024 йил “ 26 ” декабрь

Гулистон шаҳри

Раислик қилувчи: Жамоатчилик кенгаши раиси
Р.Ж.Маҳмудов

Йиғилишда қатнашдилар: Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари полковник Қ.Х.Шерматов, Сирдарё вилояти ИИБ ММИ ва КБТХ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Э.Э.Эргашев, кенгаш раиси ўринбосари Ғ.Х.Джураев, кенгаш котиби Д.М.Шамсидинов ҳамда кенгаш аъзолари.

Йиғилиш ўтказиш жойи: Сирдарё вилояти ИИБ.

Кун тартибидаги масала: Ички ишлар органлари фаолиятида мавжуд камчилик, нуқсон ва муаммолар, уларни ҳал этиш борасидаги ишлар, вилоят ИИБ ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши томонидан жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигига оид дастурда белгиланган вазифалар ижроси, шунингдек, 2025 йил учун дастур муҳокамаси тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари полковник Қ.Х.Шерматов сўзга чиқиб, Президентимизнинг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ 2023 йил 11 мартда имзоланган Ички ишлар вазирининг “ИИБ ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №122-сонли буйруғи билан республикамизнинг барча ҳудудларида, хусусан, Сирдарё вилоятида кенгаш фаолияти йўлга қўйилганлигини, унинг таркиби шакллантирилганлиги ҳамда вазифа ва функциялари хусусида тўхталди.

ИИБ бошлиғи ўринбосари шаҳар ва туманлар ҳамда соҳавий хизматлар кесимида охириги вақтларда ижтимоий тармоқларда ИИОлари ходимлари билан боғлиқ тарқалган нохуш материаллар ҳамда тизимда коррупцияга қарши курашиш, хизмат интизомини бузилиши ҳолатлари тўғрисида маълумот берди.

Бундан ташқари, ИИО тизимига хизматга қабул қилиш тартиби, бу жараёнда очиқликни таъминлаш, ходимларнинг жанговар ва жисмоний

тайёргарлигини ошириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида фикр юритди. Сўнг жамоатчилик кенгаши аъзоларини миллий медиа маконни узлуксиз мониторинг қилиб бориш ҳамда ИИО тизимига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишида фаол иштирок этишга чақирди ҳамда жамоатчилик кенгаши фаолиятида Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти яқиндан ёрдам беришини билдирди.

Шундан кейин кенгаш раиси Р.Ж.Маҳмудов сўзга чиқиб, кенгаш олдига қўйилган вазифаларни ўқиб эшиттирди ва ҳудудий ички ишлар органлари ва соҳавий хизматлар жамоатчилик кенгашлари билан ўзаро ҳамкорликда ИИО тизими имижини оширишда ходимларга яқиндан кўмак бериш каби масалалар юзасидан мулоҳазаларини баён этди.

Йиғилишда кенгаш раиси ўринбосари Ғ.Х.Джурраевга ҳам сўз берилди. Кенгаш раиси ўринбосари томонидан кенгаш томонидан тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни рўй-рост жамоатчиликка етказиш ва уларни бартараф этиш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиш кераклиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, кенгаш аъзоси, “Постда” — “На посту” газеталари мухбири А.А.Мустафақулов сўзга чиқиб, ички ишлар органлари тизимида хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда ходимлар бўлган нохуш ҳолатлар юзасидан ҳудудий ИИБ бошлиқлари ва соҳавий хизматлар масъулларининг хисоботларини эшитиш таклифини билдирди.

Йиғилиш якунида кенгаш котиби, Сирдарё вилояти ИИБ бошлиғининг матбуот котиби Д.М.Шамсидинов кенгаш аъзолари учун ижтимоий тармоқда гуруҳ очилгани, ушбу гуруҳ орқали маълумот алмашилиши, соҳа вакиллари иштирокида юз берган нохуш ҳолатлар бўйича расмий муносабат ва раддиялар тайёрлаш жараёнлари, кенгаш аъзоларининг ички ишлар органларига кириб-чиқиш имконини берувчи гувоҳнома расмийлаштириш шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш, давлат органларининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 май кундаги ЎРҚ-369-сонли “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сонли “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, шунингдек жамоатчилик кенгаши олдида қўйилган вазифалар ижроси юзасидан 2024 йилнинг ўтган 12

ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар бериб ўтди.

Йиғилишда соҳавий хизматлар ва ҳудудий ички ишлар органлари, шунингдек, республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан амалий ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда

Қ А Р О Р Қ И Л И Н Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарори талаблари асосида тузилган Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг 2024 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган дастури ва унда белгиланган вазифалар иштирокчилар ўртасида муҳокама этилди деб ҳисоблансин ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё вилояти ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати:

2.1. ИИО ходимларининг психологик ҳолатини текширишга мўлжалланган алоҳида дастурлар асосида тегишли ишлар ташкиллаштирилсин;

2.2. ИИО ходимларининг ижтимоий ҳимояси масалалари билан шуғулланувчи масъул хизматлар фаолияти ўрганилсин. Ўрганиш жараёнида, аввало ходимларнинг уй-жой билан таъминланиши, қуриш ёки таъмирлаш учун фойсиз қарз бериш, автокредитлар ажратилиши, санаторий ва курортларда дам олиш харажатларининг қопланиши, ходимлар фарзандларининг Сирдарё вилояти ИИБ тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларига жойланиши, тўй ва дафн маросимларига моддий ёрдам берилиши ва бошқа масалалар алоҳида-алоҳида ҳолда ва йиллар кесимида таҳлил қилинсин;

2.3. Келгусида ИИО тизими хизмат биноларига кириб-чиқиш тартибини енгиллаштирилиши мақсадида жамоатчилик кенгашининг барча аъзоларига тегишли намунадаги гувоҳномаларни бериш чоралари кўриб чиқилсин.

3. Сирдарё вилояти ИИБ Ахборот хизмати (Д.М.Шамсидинов), ММИ ва КБТХ (Э.Э.Эргашев) билан ўзаро ҳамкорликда

3.1. Ахборот хизмати раҳбари бошчилигида мазкур мажлисда кўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган режа ишлаб чиқилсин;

3.2. Республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳамда барча кенгаш аъзоларига ахборот хизмати раҳбар ва ходимлари, улар билан алоқа

ўрнатиш тартиби тўғрисида аниқ маълумотлар берилсин ҳамда улар билан манзилли ва мақсадли ҳамкорлик алоқалари ташкиллаштирилсин;

3.3. Ижтимоий тармоқларда ходимлар билан боғлиқ тарқалаётган барча нохуш материаллар бўйича дарҳол тегишли муносабатлар берилиши таъминлансин ҳамда бу ҳақда жамоатчилик кенгашлари вакиллари сўровларига кўра, уларни тегишли материаллар билан таъминлаш чораларига эътибор қаратилсин;

3.4. Кенгаш аъзолари билан ҳамкорликда ички ишлар органлари фаолиятида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган мониторинг ва ўрганишлар якунлари бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан уларни бартараф этилишига оид амалий таклифлар тайёрлаб, Сирдарё вилояти ИИБ раҳбариятига ўз вақтида киритиб борилсин;

3.5. Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросига оид материаллар республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда кенг ёритиб борилсин;

3.6. Ахборот хизмати масъуллари томонидан Кенгаш фаолиятига доир ҳисоботлар доимий равишда юритиб борилсин;

3.7. Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан мақсадли ва манзилли ҳамкорлик чоралари кучайтирилсин ҳамда Кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тегишли материаллар мунтазам равишда расмий веб-сайт ва телеграм каналларига жойлаб борилсин.

3.8. Мазкур йиғилиш қарорида белгиланган вазифалар ижросини ташкиллаштириш ва таъминлаш Сирдарё вилояти ИИБ Ахборот хизмати раҳбарига юклатилсин.

Йиғилиш раиси:

Р.Ж.Маҳмудов

Котиб: подполковник

Д.М.Шамсидинов